


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ

Ҳарбий хизматчиларни замон талаблари, стандартлари ва санитария меъёрларини инобатга олган тарзда сифатли ва турли-туман таомлар билан таъминлаб бориш – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг доимий шайлигини таъминлашга оид энг муҳим шартлардан бири саналади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН ТАЙЁРЛАНДИГАН ТАОМЛАР РАЦИОНИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Гигиена ва овқатланиш институти томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятларини ошириш мақсадида, организмни энергия ва озиқ-овқат маҳсулотларининг балансга келтирилган таркиблари билан таъминлаш ва оқилона овқатланишга доир қўйилган талаблар инобатга олинган тарзда шахсий таркибнинг ҳар бир контингенти учун алоҳида озиқ-овқат паёклари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари учун тайёрландиган таомлар рационининг озиқ-овқат меъёрларига мувофиқ келадиган энергетик қиммати (калориялилиги)



ОВҚАТЛАНИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР

Ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни ижро этишга йўналтирилган мақсадли дастур доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимиятларининг раҳбарияти иштирокида, соҳага доир хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалар инобатга олинган тарзда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тасарруфидаги овқат тайёрлаш цехлари, ошхона хўжаликлари ҳамда овқатланиш заллари замонавий ва хавфсиз жиҳозлар, ашё ва анжомлар мажмуи, зангламайдиган пўлатдан тайёрланган ошхона идишлари билан таъминланди.



ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ноқулай омилларнинг ҳарбий хизматчилар соғлигига кўрсатадиган салбий таъсирини сусайтириш мақсадларида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган тавсияларга асосан “Шарқ табиби” шифобахш мойи, наъматак дамламаси, “Ундевит” дармон-дориси, таблетка шаклидаги глюкоза билан биргаликда аскорбин кислотаси, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган концентратлардан (қуруқ масалликлардан) ичимликлар тайёрлаб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тасарруфидаги ҳарбий ошхоналарда фитобарлар фаолияти йўлга солинди.

